

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Тиб.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«АКАДЕМИК В.ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ» ДМ**

**МИРОЛИМОВ МИРАЗИЗ МИРЖАВХАРОВИЧ**

**ВИРСУНГОЛИТИАЗ АСОРАТЛИ СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК-ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Миролимов Миразиз Миржавхарович</b> Вирсунголитиаз асоратли сурункали панкреатитни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш...	3
<b>Миролимов Миразиз Миржавхарович</b> Оптимизация тактико-технических аспектов хирургического лечения хронического панкреатита, осложненного вирсунголитиазом .....	25
<b>Mirolimov Miraziz Mirjavkharovich</b> Optimization of tactical and technical aspects in the surgical treatment of chronic pancreatitis complicated by pancreatic duct stones .....	47
<b>Нашр қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Тиб.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«АКАДЕМИК В.ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ» ДМ**

**МИРОЛИМОВ МИРАЗИЗ МИРЖАВХАРОВИЧ**

**ВИРСУНГОЛИТИАЗ АСОРАТЛИ СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК-ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/Tib5621 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилларида Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилида жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исмаилов Сайдимурод Ибрагимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Баймаханов Болатбек Бимендеевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик <b>Абдуллажонов Баҳром Рустамжонович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru)).

Диссертация билан В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**С.А. Бабаджанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**О.Д. Эшонходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ошқозон ости бези (ООБ) касалликлари глобал соғлиқни сақлаш соҳасининг долзарб ва тобора ўсиб бораётган муаммоси бўлиб қолмоқда. Бу касалликларнинг тарқалиши ва улардан келиб чиқадиган ўлим ҳолатлари барқарор ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Эпидемиологик маълумотлар шуни кўрсатадики «сўнгги ўттиз йил ичида СП билан касалланиш икки баравардан кўпроқ кўпайган, бунда энг юқори тарқалиш Шимолий Америка ва Европага нисбатан Осиё мамлакатларида қайд этилган»<sup>1</sup>. Ушбу ҳолатлар СПнинг асоратланган шаклларида ташхислашни такомиллаштириш, хавфларни табақалаштириш ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлашга қаратилган тадқиқотларга бўлган юқори талабни асослайди, бу эса малигнизация эҳтимолини камайтириш, шунингдек, узоқ муддатли функционал ва клиник натижаларни яхшилаш учун бевосита аҳамиятга эга. Бундай эпидемиологик тенденциялар сурункали панкреатитнинг асоратланган шаклларида бири бўлган вирусунголитиазда ташхис ва жарроҳлик тактикаси муаммосининг ҳам юқори долзарблигини кўрсатади. Вирусунг чиқарувчи йулда тошлар ҳосил бўлиши панкреатик гипертензиянинг кучайишига, без тўқимасида деструктив ва фиброз ўзгаришлар ривожланишига, шунингдек унинг анатомик ва функционал тузилиши бузилишига сабаб бўлади.

Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликларда касалликнинг морфологик шакллари хисобга олган ҳолда жарроҳлик даволашга кўрсатмаларни тизимлаштиришга қаратилган СПнинг асоратли кечишида жарроҳлик аралашувларга тактик-техник ёндашувларни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда, шу билан бирга, аъзони анатомик ва функционал сақлаш нуқтаи назаридан резекция ва дренажлаш аралашувларининг оптимал ҳажмларини асослаш илмий изланишларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, операциядан кейинги асоратлар патогенезини, шу жумладан чоклар етишмовчилиги ва перипанкреатик инфильтратларнинг шаклланиш механизмларини вирусунголитиаз билан боғлиқ ҳолларда ҳам ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламни сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун хирургик ёрдам натижаларини баҳолаш ва операциядан кейинги эрта ва кеч асоратларни таҳлил қилиш билан модификацияланган аралашув усулларини ишлаб чиқиш учун илмий асосланган натижалар талаб қилинади. «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026

<sup>1</sup> Ouyang Get al. The global, regional, and national burden of pancreatitis in 195 countries and territories, 1990–2017: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2017. BMC Med. 2020;18(1):388.

йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазибалари белгиланган»<sup>2</sup>. Ушбу вазибаларни амалга ошириш, жумладан вируснолитиаз билан асоратланган сурункали панкреатит касаллигига чалинган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш орқали гепато-панкреато-билиар жарроҳлик тиббиётнинг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-таadbирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация таdqикоти муайян даражада хизмат қилади.

**Таdqикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация таdqикоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиёт маълумотларига кўра, «беморларнинг 50-60% да ўткир деструктив панкреатит сурункали босқичга ўтиб, беморларнинг ногиронлигига олиб келиши мумкин бўлган вируснолитиаз, ошқозон ости беzi йўлининг турли қисmlарининг стриктураси ва шикастланиши, сохта кисталар ва панкреатик оқмалар каби асоратлар ривожланади»<sup>3</sup>. Сурункали панкреатитда (СП) ўлим ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилганда, кўпчилик клиницистлар СПнинг 5 йил ичида барча сабабларга кўра ўлимнинг мустақил хавф омили бўлиши мумкинлигини таъкидладилар. Бу боғлиқлик, айниқса, алкогольсиз СП билан касалланган беморларда яққолроқ намоён бўлди. «Ўлим кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, СП билан оғриган беморлар СП бўлмаган одамларга қараганда юқорироқ ўлим хавфига дучор (хусусан, вируснолитиаз ва ошқозон ости беzi саратонидан) ва уларда ёндош касалликлар частотаси ҳам юқорироқ эканлиги аниқланди»<sup>4</sup>. Клиник нуқтаи назардан, ушбу муаммо турли хирургия мактаблари вакиллари томонидан фаол ўрганилмоқда. Шундай қилиб, кўпчилик таdqикотлар йўналиши сурункали панкреатит асоратларини

<sup>2</sup> Указ Президента РУз от 28.01.2012 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Сборник законодательных актов.

<sup>3</sup> Nøjgaard C. et al. Progression from acute to chronic pancreatitis: prognostic factors, mortality, and natural course. *Pancreas*. 2011 Nov;40(8):1195-200. doi: 10.1097/MPA.0b013e318221f569.

<sup>4</sup> Oh T.K., Song I.A. Five-year mortality trends associated with chronic pancreatitis in South Korea: A population based cohort study. *Pancreatology*. 2020;20(5):828–833.

даволашга қаратилган бўлиб, асосан ошқозон ости беши бошчасининг зарарланиши билан боғлиқ. Аксарият олимлар бундай беморларда ошқозон ости беши бошчасини резекция қилишнинг асосли эканлигига қўшилишади. Вируснолитиазда вируснинг паренхиматоз ичи стриктурасида энг яхши натижалар дренажловчи операциялардан сўнг кузатилади. «Жарроҳлик аралашув турини танлаш йўл торайишининг жойлашувига боғлиқ бўлади»<sup>5</sup>. Шунингдек, панкреатоёюноанастомозларнинг турли хил ўзгартирилган шакллари кийси ўрганиш олиб борилиб, уларнинг оқибатлари оғриқнинг қайта юзага келишини олдини олиш, эндокрин ва экзокрин этишмовчиликни бартараф этиш нуқтаи назаридан баҳоланмоқда. Назарий жиҳатдан, сурункали панкреатитнинг морфологик босқичи билан турли хил жарроҳлик аралашувларига бўлган жавоб ўртасидаги боғлиқлик масалалари таҳлил қилинмоқда. Бу таҳлилга реабилитация даврининг салбий кечиши ва сурункали оғриқ синдромининг шаклланиши билан боғлиқ омилларни баҳолаш ҳам киритилган.

«СП шакллари ва асоратларининг хилма-хиллиги ушбу патологиянинг кўплаб таснифларини келтириб чиқарди, шу билан бирга морфофункционал нуқтаи назардан маълум бир беморда оқилона даволаш тактикасини асослашга имкон берадиган ягона асосли ёндашув мавжуд эмас»<sup>6</sup>. Шунини таъкидлаш керакки, бугунги кунда СП билан оғриган беморларни текширишда тиббий визуализациянинг турли усуллари бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинмоқда, диагностика сифатини ошириш, операциядан олдинги текширув вақтини қисқартириш ва иқтисодий харажатларни камайтириш мақсадида уларни оптималлаштириш алгоритмлари кўриб чиқилмоқда. Бироқ, таҳлил кўпинча УТТ, КТ ва МРТ маълумотлари бўйича ташхиснинг мос келиш даражаси ҳақидаги савол билан чекланади. Визуализация усулини танлаш кўпинча тиббиёт муассасасининг технологик жиҳозланганлигига ёки шифокорларнинг шахсий афзалликларига боғлиқ бўлади. Ошқозон ости беши жарроҳлигида мультидисциплинар ёндашувнинг имкониятлари нафақат касалликнинг клиник кечиши ва жарроҳлик амалиётининг прогнози ўртасидаги аниқ боғлиқликни аниқлашга имкон беради, балки кейинги даволаш тактикасини белгилашда ҳам ёрдам беради. Юқоридагиларга асосланиб, тадқиқотнинг илмий аҳамияти жарроҳлик тактикасини танлашнинг асосли мезонларини ишлаб чиқиш, асоратлар хавфини камайтиришда ва ушбу тоифадаги беморларда узоқ муддатли функционал натижаларни яхшилаш учун зарур шарт-шароитларни яратишда акс этади.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили шунини кўрсатадики, адекват жарроҳлик аралашувини танлашда мультидисциплинар ёндашувни қўллаш

<sup>5</sup> Борисов А.Е. Хирургические методы лечения вируснолитиаза //Вестник Российской военно-медицинской академии. – 2011. – Т. 3. – С. 36-40.

<sup>6</sup> Прядко А.С. с соавт. Обструкция желчевыводящих протоков при хроническом панкреатите и возможности ее хирургической коррекции //Вестник Российской военно-медицинской академии. – 2019. – Т. 1. – С. 46-50.

нуқтаи назаридан вирусунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитнинг клиник кўринишларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар етарли эмас, бу эса анъанавий ва минимал инвазив технологиялар ёрдамида жарроҳлик даволашнинг оптимал вариантларини излаш учун кейинги комплекс тадқиқотларни талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМнинг илмий ишлари режасига мувофиқ доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жарроҳлик аралашувининг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали вирусунголитиаз билан асоратланган СП билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

вирусунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатит билан оғриган беморларда турли нур ташхиси усулларининг (УТТ, ҳажмли КТ, МРТ холангиовирсунгография) самарадорлигини диагностик имкониятларини аниқлаш;

асосий панкреатик йўл тўқималарининг морфофункционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда панкреатоёюноанастомознинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;

вирусунголитиазда жарроҳлик аралашувининг жорий этилган ва такомиллаштирилган тактик-техник ёндашувларининг клиник самарадорлигини ўрганиш;

вирусунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитни яқин ва узоқ даврда даволаш натижаларини таҳлил қилиш;

вирусунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитни ташхислаш ва даволашга мултидисциплинар ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш ва асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** 2008 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида хирургик даволашнинг турли усуллари қўлланилган, вирусунголитиаз билан асоратланган оғир сурункали панкреатитга чалинган 47 нафар беморнинг ташхислаш ва даволаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** вирусунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитни хирургик йўли билан даволашнинг турли усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш, операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатли асоратларни структуравий таҳлил қилиш, қоникарсиз натижалар сабабларини аниқлаш ва оптимал даволаш-ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун умумклиник, лаборатория, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатитнинг вирсунголитиаз асорати билан кечишида турли нурли визуализация усулларининг сезгирлиги ва ўзига хослигини аниқлаш билан бирга касалликнинг оғирлик даражасини белгиловчи, амилаза даражаси, оғриқ синдромининг динамикаси ва жисмоний фаоллик кўрсаткичлари каби асосий мезонлар аниқланган;

асосий панкреатик йўл тўқимасининг морфофункционал хусусиятларини ҳисобга оладиган, оптимал гермитиклигини, ингичка ичак тўқимаси билан мослаштиришни таъминлайдиган, анастамоз етишмовчилигини ва қон кетиш хавфини минималлаштиришга ёрдам берадиган, панкреатоеюноанастомоз бажариш усуллари такомиллаштирилган;

вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитни хирургик даволашда касалликнинг ўзига хос асоратлари ва қайталаниш частотаси нуқтаи назаридан амалиёт турини танлаш, ва уларнинг клиник самарадорлигини баҳолаш орқали мультидисциплинар ёндашув ишлаб чиқилган;

вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитли беморларда ҳаёт сифати яхшиланишининг асосий кўрсаткичлари - иш қобилияти тикланиши, оғриқ синдромини пасайиши, жисмоний фаоллик ошгани аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вирсунголитиаз билан асоратланган СПни хирургик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатлари ишлаб чиқилган ва асосланган;

панкреатоеюноанастомозни шакллантиришнинг муаллифлик усуллари ишлаб чиқилган;

вирсунголитиазли СПни хирургик даволаш натижаларини оптималлаштириш имконини берадиган мультидисциплинар ёндашувга асосланган алгоритм ишлаб чиқилган;

беморларнинг операциядан кейинги реабилитация ва ижтимоий мослашув муддатларига таъсир қилувчи мезонлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** вирсунголитиаз билан асоратланган СПли беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитли беморларда ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшганлиги, касалликнинг оғирлик

даражасини белгиловчи, амилаза даражаси, оғриқ синдромининг динамикаси ва жисмоний фаоллик кўрсаткичлари каби асосий мезонлар аниқланганлиги, панкреатоеюноанастомозни усуллари такомиллаштирилганлиги, асоратлар ва қайталаниш частотаси нуқтаи назаридан амалиёт турини танлаш, ва уларнинг клиник самарадорлигини баҳолаш орқали мултидисциплинар ёндашув ишлаб чиқилганлиги, ҳаёт сифати яхшиланишининг ифодаловчи иш қобилияти тикланиши, оғриқ синдромини пасайиши, жисмоний фаоллик ошгани кўрсаткичлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида вирсунголитиаз билан асоратланган СПни жарроҳлик йўли билан даволашда тактик-техник жиҳатлар оптималлаштирилган ва услубий ёндашувлар стандартлаштирилганлиги; олинган тадқиқот натижалари тиббиёт фанининг долзарб йўналиши тўғрисидаги билимларни кенгайтириши, ҳамда бу тоифадаги беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда шахсий ёндашувни қўллаш ва натижаларини яхшилашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш имкони берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўрсатилаётган юқори технологик жарроҳлик ёрдами сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилик:* сурункали панкреатитнинг вирсунголитиаз асорати билан кечишида турли нурли визуализация усуллариининг сезгирлиги ва ўзига хослигини аниқлаш билан бирга касалликнинг оғирлик даражасини белгиловчи, амилаза даражаси, оғриқ синдромининг динамикаси ва жисмоний фаоллик кўрсаткичлари каби асосий мезонлар аниқланганлиги - Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига (2025 йил 5 июлдаги 131-сонли буйруқ асосида) ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига (2025 йил 23 июндаги 77-сонли буйруқ асосида) жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 15 августдаги 23/31-сонли маълумотномаси). Ижтимоий самарадорлиги: операциядан олдинги ташхислашни оптималлаштириш мақсадида ташхислаш усуллари - ультратовуш текшируви, мультиспирал компьютер томографияси ва магнит-резонанс холангиопанкреатография (МРХПГ) қиёсий таҳлил қилинди. МРХПГ вирсунголитиазни аниқлашда ва асосий панкреатик йўлнинг зарарланиш хусусиятини аниқлашда энг катта маълумотга эга эканлиги аниқланди. Диагностик аниқлик кўрсаткичлари: сезгирлик-97,1%, ўзига хослик-64,7%, умумий диагностик аниқлик-84,6%. Операциядан олдинги тайёргарлик даври қисқарди, беморларнинг психоэмоционал зўриқиши камайди. Иқтисодий самарадорлиги: ташхислашни оптималлаштириш орқали молиявий харажатларни 2100000 сўмдан 1200000 сўмгача камайтиришга эришилди, бир бемор учун 900000 сўм иқтисод қилинди. Хулоса: жарроҳлик амалиётидан олдинги ташхислаш ва жарроҳлик аралашувини тактик танлашнинг ишлаб чиқилган алгоритми хато ташхислар сонини камайтириш ва ортиқча тадқиқотларни истисно қилиш имконини берди.

*иккинчи илмий янгилик:* асосий панкреатик йўл тўқимасининг морфофункционал хусусиятларини ҳисобга оладиган, оптимал герметиклигини, ингичка ичак тўқимаси билан мослаштиришни таъминлайдиган, анастомоз етишмовчилигини ва қон кетиш хавфини минималлаштиришга ёрдам берадиган, панкреатоеюноанастомоз бажариш усуллари такомиллаштирилганлиги - Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига (2025 йил 5 июлдаги 131-сонли буйруқ асосида) ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига (2025 йил 23 июндаги 77-сонли буйруқ асосида) жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 15 августдаги 23/31-сонли маълумотномаси). Ушбу ёндашув узоқ муддатли кузатувда анастомознинг юқори даражада герметиклиги ва барқарорлигига эришиш имконини берди. Ижтимоий самарадорлиги: жарроҳлик даволашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар стандартлаштирилади, прогноз яхшиланади, операциядан кейинги асоратлар хавфи камаяди. Шундай қилиб, панкреатоэнтероанастомоз етишмовчилиги частотаси 16,7% дан 10,0% гача камайди; такрорий операцияларга бўлган эҳтиёж 16,7% дан 0% гача ( $p = 0,06$ ) камайди. Иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган усулларни жорий этиш ҳисобига молиявий харажатларни 20400000 сўмдан 15200000 сўмгача камайтириш ва битта бемор учун 5200000 сўм тежаш имконини берган. Хулоса: чоклар таранглигини физиологик тақсимланишини ва тўқималарда адекват қон айланишини сақлаб қолишни таъминлайдиган панкреатоеюноанастомозни шакллантиришнинг ишлаб чиқилган ва клиник синовдан ўтган модификацияланган усуллари операциядан кейинги эрта асоратлар ривожланишини минималлаштириш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитни хирургик даволашда касалликнинг ўзига хос асоратлари ва қайталаниш частотаси нуқтаи назаридан амалиёт турини танлаш, ва уларнинг клиник самарадорлигини баҳолаш орқали мултидисциплинар ёндашув ишлаб чиқилганлиги - Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2025 йилдаги 131-сон буйруқ) ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (23.06.2025 йилдаги 77-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 15 августдаги 23/31-сон маълумотномаси). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган алгоритм гастроэнтеролог, жарроҳ ва радиологнинг мувофиқлаштирилган ишига асосланган бўлиб, бу беморнинг аҳволини ҳар томонлама баҳолашни таъминлайди. МРТ, МСКТ ва ЭРХПГ маълумотларини бирлаштириш жарроҳлик аралашуви усулини танлашни индивидуаллаштириш ва операциядан олдинги режалаштириш аниқлигини ошириш имконини беради. Ташхислаш ва даволаш сифати ошди, асоратлар хавфи камайди, беморларнинг ногиронлиги камайди. Такрорий текширувлар ва кераксиз касалхонага ётқизишлар сонининг камайиши ҳар 1000 бемор учун жами 5,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: бир бемор учун 750000 сўмни, 30 нафар бемор учун йилига 22500000 сўмни ташкил этди. Хулоса: мултидисциплинар

ёндашувни клиник жорий этиш натижалари ташхислаш аниқлигини ошириш, инвазив аралашувларга ёндашувни оптималлаштириш ва беморларнинг клиник натижаларини яхшилаш имконини берди, бунда стационар даволанишнинг ўртача давомийлиги  $8,4 \pm 0,8$  дан  $6,3 \pm 0,5$  кунгача.

*тўртинчи илмий янгилик:* вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитли беморларда ҳаёт сифати яхшиланишининг асосий кўрсаткичлари - иш қобилияти тикланиши, оғриқ синдромини пасайиши, жисмоний фаоллик ошгани, аниқланганлиги - Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2025 йилдаги 131-сон буйруқ) ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (23.06.2025 йилдаги 77-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 15 августдаги 23/31-сон маълумотномаси). Ижтимоий самарадорлиги: уч йиллик кузатув натижалари: - конкремент қайталаниш частотаси 33,3% дан 5,0% гача камайди ( $p=0,033$ ); оғриқ синдроми сезиларли даражада енгиллашди; меҳнат қобилиятининг тикланиши қисқароқ муддатда юз берди. Иқтисодий самарадорлиги: такрорий аралашувлар сонининг камайиши 47 нафар беморни кузатиш давомида 56400000 сўм тежашга олиб келди. Хулоса: вирсунголитиазни жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усуллари жорий этиш беморларнинг ҳаёт сифатини оширди, оғриқ синдромини камайтирди, ногиронлик даражасини пасайтирди ва меҳнат қобилиятини яхшилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг матнли материали ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, шунингдек, иш натижаларининг апробацияси ва чоп этилган натижалари, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитда даволаш-ташхислаш тактикасининг замонавий**

**жиҳатлари”** номли биринчи бобида конкрементли вирсунг йўли билан сурункали панкреатитда панкреатик гипертензиянинг этиологияси, патогенези, клиник-морфологик хусусиятлари ва механизмларини акс эттирувчи маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари умумлаштирилган. Шунингдек, замонавий визуализация усуллари, ташхис мезонлари ҳамда турли хил жарроҳлик ва каминвазив аралашувларга кўрсатмалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқот дизайни, кузатувлар кўлами ва меъда ости беши йўллари тизимининг турли морфологик шакллардаги шикастланишлари, жумладан вирсунголитиаз, стриктуралар, йўл шикастланишлари ва сохта кисталар билан асоратланган сурункали панкреатит (СП) беморлари танланмасининг демографик хусусиятлари тасвирланган. 2008 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази негизида 47 нафар вирсунголитиаз билан оғриган бемор текширилди ва даволанди. Уларнинг 10 нафарида қўшимча равишда меъда ости безининг симптоматик сохта кисталари аниқланди. Умумий танланмада эркаклар кўпчиликлари ташхил этди - 61,7% (29 та), аёллар улуши эса 38,3% (18 та) бўлди. Тадқиқотга киритилган пайтда беморларнинг ўртача ёши  $51,8 \pm 2,5$  ёшни ташхил этди (34 ёшдан 72 ёшгача).


Диссертациянинг **“Вирсунголитиазда мултимодал нур ташхиси”** деб номланган учинчи бобида вирсунголитиаз билан асоратланган СП билан оғриган беморларда турли нур ташхисот усуллари (УТТ, ҳажмли КТ, МРТ холангио-панкреатография) клиник самарадорлигини ўрганиш натижалари акс эттирилган. Ушбу таҳлилга тўлиқ нур ташхиси қўйилган 35 нафар бемор киритилган. Диагностик текширувлар натижаларига кўра, вирсунг йўлининг кенгайиши, шунингдек, унда тошлар мавжудлиги тасдиқланди. Улардан 15 (28,3%) нафар бемор эндоскопик ташхис қўйилгандан 3-5 кун ўтгач операция қилинди. 20 (37,3%) беморда вирсунголитиаз бўйича очик усулда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Қайд этилишича, УТТ вирсунголитиазни бирламчи аниқлашнинг арзон ва тезкор усули бўлиб, ўртача сезувчанликда (42,9%) юқори спецификликни (82,4%) кўрсатади. Усул диаметри 3 мм дан ортиқ бўлган йирик тошларни аниқ ташхислаш имконини беради, аммо майда тошлар ёки кучли метеоризм мавжуд бўлганда унинг самарадорлиги пасаяди (1-жадвал). АУС (0,63) қиймати диагностик қийматнинг чекланганлигини кўрсатади, бу эса диагностика аниқлигини ошириш учун қўшимча тадқиқот усуллари зарурлигини таъкидлайди.

**Вирсунголитиазда ультратовуш текшируви, ҳажмли КТ-ангиография ва МРТнинг диагностик аҳамияти ва ахборотлилиги**

	УТТ	КТ	МРТ
<b>Сезгирликни аниқлаш</b>			
Аниқ мусбат таъхис (True positive)	15	28	33
Сохта манфий таъхис (False negative)	20	7	2
Вирсунголитиаз билан касалланган жами беморлар	35	35	35
<b>Сезгирлик (Sensitivity)</b>	15/35	28/35	34/35
	<b>42,9%</b>	<b>80%</b>	<b>97,1%</b>
<b>Ўзига хосликни аниқлаш</b>			
Сохта мусбат таъхис (False positive)	3	7	6
Аниқ манфий таъхис (True negative)	14	10	11
Вирсунголитиаз билан касалланган жами беморлар	17	17	17
<b>Ўзига хослик (Specificity)</b>	14/17	10/17	15/17
	<b>82,4%</b>	<b>58,8%</b>	<b>64,7%</b>
<b>AUC кўрсаткичи</b>	<b>0,63</b>	<b>0,69</b>	<b>0,79</b>


Ҳажмий КТ вирсунголитиазни таъхислашда юқори сезувчанлик (80%) ва ўртача ўзига хосликни (58,8%) кўрсатади, бу эса калсификатсияланган тошларни аниқлаш ва ошқозон ости беъи ўзгаришларини баҳолаш учун самарали усул ҳисобланади (1-расм). ROC-таҳлил натижалари бўйича олинган AUC (0,69) қиймати усулнинг ўртача диагностик қийматини кўрсатади. Умумий диагностика аниқлиги 73,1% ни ташкил этди, бу калсификатсияланмаган тошларни аниқлаш аниқлигини ошириш учун МР-ХПГ ёки эндоскопик ультратовуш текшируви каби бошқа диагностика ёндашувлари билан биргаликда унинг ишончлилигини тасдиқлайди.



**1-расм. Вирсунголитиазда натив ва контраст кечиктирилган фазадаги КТнинг аксиал проекциялари. Натив фазада (А) ошқозон ости беъи бошчаси проекциясида кальцинацияланган конкрементлар, кечиктирилган фазада контрастланган ошқозон ости беъи фониде кенгайтирилган БПЙ аниқланади**

Вирсунголитиазни аниқлашда энг юқори диагностик самарадорликни МР-ХПГ кўрсатади. Унинг сезгирлиги 97,1% ва ўртача ўзига хослиги 64,7%

ни ташкил этади. AUC қиймати (0,79) усулнинг юқори диагностик аҳамиятини тасдиқлайди ва умумий аниқлик 84,6% га етади, бу эса ультратовуш ва КТ кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори. МР-ХПГ, айниқса, кальцификатцияланмаган ва майда тошларни тасвирлашда, шунингдек, БПЙ торайиши ёки кенгайиши каби мураккаб тузилмавий ўзгаришларни баҳолашда самарали ҳисобланади (2-расм). Бу хусусиятлар ушбу усулни вирсунголитиазни даволаш тактикасини режалаштириш учун энг мақбул қилади.




**2-расм. Ошқозон ости беzi танаси ва думи атрофияси (А-қизил стрелка), ошқозон ости беzi бошчаси ўсмаси (Б-оқ стрелка), сурункали тошли холецистит, жигар ичи ва жигардан ташқари ўт йўллари эктазияси ва жигардан ташқари ўт йўллари (С-хаво ранг стрелка) бўлган беморнинг қорин бўшлиғи МРТ текшируви**

Вирсунголитиаз билан касалланган беморларни даволаш усули аниқланган патологиянинг хусусиятига қараб белгиланади. Вирсунг йўли оғзининг стриктураси ёки унинг узунлиги 3 см гача бўлганда, шунингдек, тошлар эркин жойлашган ҳолларда, йўл гипертензиясини бартараф этиш учун эндоскопик муолажалар афзал ҳисобланади. Торайишлар узунлиги 3 см дан ортиқ бўлганда ёки I, II, III даражали йўлларда тошлар жойлашган ҳолатларда очик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Панкреатоеюноанастомозни шакллантиришнинг техник жиҳатлари ва такомиллаштирилган усуллари”** деб номланган тўртинчи бобида вирсунголитиаз билан асоратланган сурункали панкреатитда дренажлаш операцияларининг мақбул жарроҳлик техникасини танлаш билан боғлиқ асосий қоидалар акс этирилган. Йўл тизимининг анатомик ва морфологик хусусиятлари, унинг кенгайиш даражаси, тошларнинг жойлашуви ва без тўқимасининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда панкреатоеюноанастомозни шакллантиришнинг анъанавий усулларини такомиллаштириш асослари келтирилган. Анастомознинг зич ёпилишини таъминлаш, чоклар етишмовчилиги ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш, шунингдек, узоқ муддатли функционал натижаларни яхшилашга қаратилган техник усуллар батафсил тасвирланган.

Бош панкреатик йўл ва ингичка ичакни анастомозлашнинг энг кўп қўлланиладиган усуллари (панкреатоюноанастомоз) Puestow операциясининг ўзгартирилган вариантлари (Puestow-Clavien ва Puestow-Gillesby) ҳисобланади. Шундай бўлса-да, кўпчилик клиницистлар анастомоз пайтида ошқозон ости бези тўқималарининг хусусиятлари ва ҳолатидан келиб чиққан ҳолда чокли пластиканинг турли хил вариантларидан фойдаланишни маъқул кўришади. Шунингдек, муаллифларнинг ўзлари без тўқимаси ва бош панкреатик йўл ҳолатига алоҳида эътибор қаратишади. Бунинг натижасида игнани ошқозон ости бези тўқимасига киритиш чуқурлигини ўзгартириш таклиф этилади. Бу эса бир томондан қутилмаган қон кетишларга олиб келиши мумкин бўлса, бошқа томондан анастомозланаётган тўқималарни нотўғри тикишга сабаб бўлиши мумкин.


Яъни, энг яқин аналог/прототипда анастомознинг ҳам орқа, ҳам олдинги лабини маҳкамлашда ҳар доим ҳам чоклар чизигининг герметизациясига эришиб бўлмайди, бу кўпинча асоратларнинг ривожланишига олиб келади. Панкреатоюноанастомоз шакллантирилгандан сўнг анастомоз етишмовчилиги ва қон кетишининг ривожланиш эҳтимолини камайтириш учун вирсунголитиаз билан оғриган беморларда БПЙнинг ригид деворини аниқлашда (3-расм) анастомознинг ҳам орқа, ҳам олдинги лабининг максимал герметиклиги ва зичлигини таъминлашни ўз ичига олган “Бош панкреатик (Вирсунг) йўлининг ригид деворида панкреатоюноанастомозни шакллантиришда чокли пластика усули” ишлаб чиқилган, бунда анастомознинг ҳам орқа, ҳам олдинги лабининг максимал герметиклиги ва зичлигини таъминлаш учун викрил ипли “П” шаклидаги ва узлуксиз қоплама чок қўлланилади (4-расм), бунда “П” шаклидаги викрил чок 0/0 олдинги “Р” шаклидаги чокни 5 мм ораликда ушлаб қўйилади, анастомознинг олдинги лаби шакллантирилгандан сўнг викрил ипли узлуксиз қоплама чок 3/0 қўлланилади.



**3-расм. Асосий меъда ости бези (Вирсунг) йўли (БПЙ) тўқимаси морфологияси (Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси материаллари).**


**А. Ривожланган фиброз ўзгаришлар. Г-Э, 10×20.**

**Б. Тўқиманинг яққол фиброзланиши. Г-Э, 10×10.**




#### 4-расм. Анастомознинг орқа лабини шакллантиришда П-симон чок

Вирсунголитиоз билан оғриган беморларда БПЙнинг юмшоқ инфилтратив деворини аниқлашда (5-расм) панкреатоеюноанастомоз шакллантирилгандан сўнг лигатуранинг минимал тортилиши ва ёрилишини таъминлаш учун “Бош панкреатик (Вирсунг) йўлининг юмшоқ инфилтратив деворида панкреатоеюноанастомозни шакллантиришда чокли пластика усули” ишлаб чиқилган бўлиб, у узлуксиз викрил чокидан фойдаланган ҳолда лигатуранинг минимал тортилиши ва ёрилишини таъминлашни ўз ичига олади (6-расм), бунда узлуксиз викрил чок 0/0 анастомознинг олдинги ва орқа лабларига 3-5 мм қадам билан ягона лигатура билан қўйилади, сўнгра худди шу ип билан игна ташқарига чиқариладиган бурчакли чок қўйилади ва ипнинг қолган қисми анастомознинг олдинги лабини узлуксиз қоплама чок билан тикиш учун ишлатилади.



5-расм. БПЙ тўқимаси морфологияси (Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ ДМ материали). А. Тўқиманинг кучли шиши, томирларнинг тўлақонлилиги, улар атрофида эритроцитар диapedез ўзгаришлари кузатилади. Г-Э 10×20; Б. Оз миқдорда янги томирлар шаклланади, уларнинг деворлари қалинлашган, шишган ва тўқиманинг инфилтратив ўзгаришлари билан тартибсиз жойлашган. Г-Э 10×20



**6-расм. Ажратиш усули бўйича анастомознинг орқа ва олдинги лабини шакллантиришда узлуксиз чокли пластика**


Шундай қилиб, БПЙнинг морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда панкреатоеюноанастомоз чок чизигини мақсадли мустаҳкамлашга асосланган Puestow операциясининг таклиф этилган такомиллаштирилган вариантлари анастомоз етишмовчилиги частотасини ва операциядан кейинги қон кетиш хавфини камайтиришга ёрдам берадиган рационал ва патогенетик жиҳатдан асосланган ёндашувдир. Ишлаб чиқилган техник модификациялар асосан БПЙ деворининг ҳолатига қараб анастомознинг олдинги ва орқа лабларини шакллантириш усулларига тегишли.

